



Суратчи: А. ТУРАЕВ

1
9
9
3
Й
И
Л

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!



| | ДАЛВ ЯНВАР | ХУТ ФЕВРАЛ | ХАМАЛ МАРТ | САВР АПРЕЛ | ЖАВЗО МАЙ | САРАТОН ИЮН |
|----|---------------|-------------------|------------------|-----------------|---------------|----------------|
| Д. | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 |
| С. | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 |
| Ч. | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 |
| П. | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 |
| Ж. | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 |
| Ш. | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 |
| Я. | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 |
| | АСАД ИЮЛ | СУМБУЛА АВГУСТ | МЕЗОН СЕНТЯБР | АКРАБ ОКТАБР | КАВС НОЯБР | ЖАДИ ДЕКАБР |
| Д. | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 | 6 13 20 27 |
| С. | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 | 7 14 21 28 |
| Ч. | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 | 1 8 15 22 29 |
| П. | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 2 9 16 23 30 |
| Ж. | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 3 10 17 24 31 |
| Ш. | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 4 11 18 25 |
| Я. | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 5 12 19 26 |

етти кун



ҚУЛОҚНИ УШЛАНГ, ҚУЛОҚНИ!

Куппа-кундуз кун Термиз шаҳридаги «Сугдиёна» дўкони олдида кетиб бораётган навнихолгина ҳамшира қиз Умидда Орзикулованинг ёнига биров қаёқдандир ўқдай учиб келди-да, қулоғига тажовуз қилди. У — сирғасини ўғирлатди. Изқуварлар йўлга тушдилар. Сирғани катта оломон орасида бир заифанинг қулоғидан «айриб» олиб кетган «баҳодир киши» — деновлик, ҳеч ерда ишламайдиган ва ҳали ўттизга ҳам кирмаган Комил Жумаев деган азамат экан.

ТАППИНИНГ ҚАДРИ БАЛАНД

Денов шаҳрида тезак таппининг ҳар донаси ўн рублдан ситмоқда. Битта газ(ли) баллон эса юз рубл. Агар омадингиз чопиб, «устидан чиқиб» қолсангиз. Шунинг учунми таппига навбат узун.

КУЁВИНИ «СИЙЛАГАН» ҚАЙНОТА

Эл орасида «куёвни пайғамбар ҳам сийлаган», деган гап юрди. Лекин Шўрчи шаҳрида истиқомат қилувчи нафақахўр, ногирон А.нинг «сийлаши»дан яратганининг ўзи асрасин. Қария ўз ўйида куёвининг кўкрагини 16-қолибрили милтиғи билан нишонга олди ва тепкини босди... Уқ мўлжалга тегди, куёв қақо қилди.

БАҲО — АЪЛО

Бўлғуси тиббиётчи, гуруҳдошимиз Алишер Раҳимов инсон маймундан келиб чиқмасдан, балки маймунга айланаётганини исботлаб бериб, фалсафа сабоғидан «беш» баҳо олди. Жонли мисолларни эса теварак-атрофидан келтирди, деб хабар беради муҳлисимиз Тошкентбой.

БАЙРАМ СОВҒАСИ

Сурхондарё вилояти Болалар жамғармаси янги йил совғаси учун 70 минг рубл ажратди. Байрам арафасида Бойсун туманидаги 12-болалар уйидан 100 нафар болага, шунингдек, Шўрчи туманидаги 2 та мактаб интернатларида тарбияланаётган 200 нафар болага янги йил совғалари берилди.

МОЛИНГИЗ КўПАЙСИН!

Афғонистонлик ишбилармон, жуда катта сармоя эгаси Расул Барот дунёнинг таниқли кишиларидан бири. У ўнлаб мамлакатлар билан савдо алоқаси ўрнатган. Жаноб Расул Барот Термиз шаҳридаги ўзбеклар билан ҳамкорликда қўшма корхона очган. Ушбу қўшма корхонаси Абу Али ибн Сино номидаги вилоят шифохонасига 200 минг, вилоят Болалар жамғармасига 200 минг рубл ҳада қилди.

НИҲОЯТ

Тўрт йилдан буён қутилаётган тележиҳозлар Ўзбекистон ойнаи жаҳони омборхонасига келиб тушди. Бир ярим минг долларлик бу Япон жиҳозлари телевидениямиз кўрсатувларига жиндек бўлсада ўзгариш кирита олса, ахши.

БҮЮРТМА ТРОЛЛЕЙБУС

Ҳайрон бўлдингизми! Кечки соат 9 дан кейин Тошкент шаҳридаги 19-троллейбусга чиқсангиз бунга амин бўласиз. Ҳатто, имтиёзли ҳужжатлар ҳам иш бермай қўяди. Яқинда шу йўналиш бўйича йўлга чиққан муҳбиримиз беш сўмдан «қочиб» пиёда қолди.

Бузоқнинг югургани сомонхонагача дейишади, қизиқ, бюртмали бўлганда ҳам троллейбус қаерга борар экан!!

Суратчи: Абдул Ғани ЖУМА



Бир кун

ЎТМИШГА САЁҲАТ

Хитойдан меҳмонлар келди. Ҳамкасбаримиз. Кўриб, бош ирғадиқ: журналистларга у ёқларда ҳам осон эмаскан. Фақирона кийинишган. Ранглар. Ориқ. Кун кўрмаганга ўхшайди. Секингина гапиршади. Муз устида юргандек, авайлабгина қадам ташлашади. Хаяжон, ҳовлиқиш, хушчақчақлик, улфатчилик нима — билмайдигандек. Ўзбекона меҳмондўстлик билан ёзилган тўқин-сочин дастурхон бўйида ҳам расмий мажлисларнинг раёсатида ўтиргандек, жимгина, наридан-бери қавшаниб ўтиришбди. Ароқ, коньяк нарида турсин, шампан виносидан бир қўлтум ичириш азоб бўлди. «Диндорлардир-да?» Қайдам, деяри барчаси коммунист, даҳрийлар экан... Қизиги, бири га-

пирса иккинчиси, албатта, ёзиб туради. Магнитофонга эмес, ён дафтарига. Асосан, бошлиқ сўзлайди. Қолганлар бош ирговчи: туғри, маъқул!..

Уларнинг биридан:

— Шаҳрингизда об-ҳаво қалай? — деб сўраган эдим, шунга ҳам ўзича жавоб беролмади — раҳбарига юзланиб, айтажак гапини тасдиқлашиб олди.

Улар билан беш кун бирга юриш асносида яқин ўтмишимизни бот-бот эсладим. «Эшиги-туйнугидан йўқ нишон» дим хонага кириб қолгандек ҳис қилдим ўзимни. Уйланг, ўз уйимизнинг ҳам яқин-яқинларгача шундай — ҳавоси дим эмасмиди!..

Жонқобил ЖУМА

ЭСКИ ЙИЛНИНГ СЎНГГИ ТУҲҒАСИ

Кейинги йилларда Ватанимизда ижтимоий-иқтисодий ва экологик аҳволнинг оғирлашиб бориши туберкулёз касаллигининг кўпайишига тўртки бўлмоқда. Баъзи ҳудудларда ушбу дард билан оғриган беморлар сони кескинлашаётганлиги жамоатчиликни ташвишга солаётир. Касалликнинг оғир формаси билан оғриган болалар республика фтизиатрия ва пульмонология илмий текшириш институтининг болалар бўлимида даволаниш билан бирга таълим-тарбия ҳам оладилар.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар жамғармаси ҳайъати йиғилишида фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институтининг болалар бўлимига керакли жиҳозлар олиш учун 100 минг сўм ажратиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу жамғарманинг 1992 йил ҳисобидидаги сўнги хайрияларидан биридир.

ПАШША ВА ҚОРА ЧИГИРТКА

Бир куни пашша ясашиб-тусаниб кўчага чиқибди. Йўлда унга Шақол дуч келибди.

Шақол дебди:
— Кўйлагинг бунча чиройли экан! Сенга йўл бўлсин, Пашшахон?

Пашша:
— Бирор кишини учратиб, унга тегмоқчиман, — дебди.

— Унда менга тега қол! — гап қўшибди Шақол.

Пашша:
— Аввал менга ашула айтиб бер, — кейин кўраман.

Шақол ашуласини бошлабди ва қулидан келганча айтибди.

Пашша:
— Йўқ, Шақолбой, — дебди. — Сенинг ашуланг менга ёқмади. Мен сенга теголмайман.

Кейин у итга дуч келибди.

Ит:
— Кўйлагинг бунча чиройли, Пашшаой! — дебди. — Сенга йўл бўлсин?

Пашша:
— Бирор кишини учратиб унга тегмоқчиман, — дебди.

— Унда менга тегақол! — дебди ит.

— Аввал менга ашула айтиб беришинг керак, — дебди Пашша.

Ит ашуласини бошлабди ва қулидан келганча айтибди. Аммо бу ҳам Пашшага ёқмабди.

— Йўқ, — дебди у итга. — Ашуланг менга ёқмади. Сенга теголмайман.

Сўнгра у қора чигирткага дуч келибди. Қора чигиртка унга:

— Кўйлагинг бунча чиройли! — дебди. — Сенга йўл бўлсин, Пашшахон.

Пашша:
— Бирор кишини учратиб, унга тегмоқчиман, — дебди.

— Унда менга тега қол, — дебди Қора чигиртка.

— Аввал менга ашула айтиб беришинг керак, — дебди Пашша.

Қора чигиртка ашуласини шундай зўр айтибдики, Пашшага ёқиб қолибди.

Шундан сўнгра пашша:
— Ашулани жуда яхши айтаркансан, — дебди ва унга тегибди.

Аммо шундан буён Қора чигиртка ашуласини яхши айтолмайдиган, Пашша ҳам унга теголмайдиган бўлиб қолибди.

Инглизчадан таржима



ЭНГ ЖАЖЖИ ТОПҚИР

«Ассалому алайкум ҳурматли биз учун энг сеvimли бўлган «Оила ва жамият». Биз сени сабр-сизлик билан кутамиз ва ҳар бир янги сонинг келган куни бирор йўқотиб қўйган азиз нарсамизни топиб олгандек сўноиб кетамиз ва қўлма-қўл олиб ўқиймиз. Аввал дадам ва ойиллар ўқишади, ундан кейин мен мазза қилиб ўқийман. Дадамларга қайси саҳифанг ёқди, билмайман, менга айниқса «Болалар дунёси» саҳифанг жуда яхши ёқди. Ундаги эртақларни мазза қилиб ўқийман ва топишмоқларни топишга ҳаракат қиламан. Эртақ ва топишмоқлар менинг жону-дилим. Агар топишга оз-моз қийналсам, дадамлардан ёрдам сўрайман. Шу йил декабр ойининг 50-сонида чиққан топқирлик машқи топишмоқлари мен учун энг сеvimли машгулот бўлди. Мен уларни топишга ҳаракат қилдим».

Урган шаҳридан ушбу мактубни юборган 2-синф ўқувчиси Русланбек Мадаминов ҳам топишмоқларни жуда қўйилмақом қилиб бажарибди. Русланбек, балли сенга!

Топқирлар орасида тўғри ва мукаммал жавоб йўллаган болаларга раҳмат деймиз ва ўзларига аталган саҳифада янада фаол иштирок этишларини сўраймиз.

Тошкент вилояти Паркент шаҳридан 6-синф ўқувчиси Шаҳриддин Хўснийев, Қибрай туманидан Олимжон Абдуллаев, Тошкент шаҳри Юнусобод туманидан Собит Усмонов, Фарғона вилояти Риштон туманидан Акмал Холбоев, самарқандлик Акбар Абдураҳмоновлар биринчилардан бўлиб мактуб йўллашибди.

«ТОПҚИРЛИК МАШҚИ»НИНГ ЖАВОБИ:

1. Зирак. 2. Кўприк. 3. Китоб. 4. Булоқ. 5. Қайиқ. 6. Қуёш. 7. Шудринг. 8. Гугурт. 9. Трактор. 10. Райхон. 11. Нўхат. 12. Тил. 13. Лайлак. 14. Капалак. 15. Карам. 16. Маккажўхори. 17. Игна. 18. Ақл. 19. Ловия. 20. Янтоқ. 21. Қадам. 22. Майна.

Боланинг тили ширин

ҚИЗИМ БИЛАН СУҲБАТ

— Забаржад, катта бўлсанг ким бўласан?
— Бозорчи бўламан аяжон!
— Нега энди бозорчи?
— Ушанда ҳамма нарсга ўзимизда бўлади-да!

— Кизим, нимага иккита конфет олдинг?
— Қўлим иккита-да!

— Ая! Ухламанг!
— Нимага?
— Ухласангиз мен сизни соғиниб қоламан...

— Қизим, нимага бурнингни артмаяпсан?
— Чиройли рўмолчага ҳам бурн артадимини?!

— Забаржад, мени яхши кўрасанми?
— Яхши кўраман.
— Қанақа яхши кўрасан, қаттиқ, яхши кўрасанми?
— Йў-ўқ, юм — шооқ яхши кўраман!

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА



ДАДАМНИ МИНИБ УЙНАЙВЕРАМАН

ЖУДА ЯНГИ ЭКАН...

уйнагим келганда дадамларни миниб уйнайвераман.

Салоҳиддин СИРОЖИДИНОВ

Бўладиган бола

Беш яшар Жамшиддан сўрашди:
— Айтчи, сен отангни кўпроқ яхши кўрасанми ёки онангни?
— 10 сўм берсангиз айтаман, — дебди Жамшид унга жавобан.

МАТЕМАТИКА ДАРСИДА

Уқитувчи ўқувчидан сўради:
— Олим, сенда битта олма бор. Шундан учтасини Каримга берсанг, ўзингда нечта қолади?
— Боя Карим менга конфетидан бермади-ку, энди мен ҳам олма бермайман, — деди Олим.

Даврон БЕК

Кичкина Даврон янги укасини кўриш учун отаси билан туғруқхонага борди. Чақалоқни олиб чиқишганда унинг қўлчасида номери осиглиқ турарди. Бунга кўрган Даврон:
— Дада, дада, бунинг қаранг, — деди — у ҳали жуда яхши экан. Ҳатто баҳосиниям олиб ташлашмабди.

УЙИНЧОҚЛАР МАГАЗИНИДА

«Уйинчоқлар» магазинига киришган онаси Жамшиддан сўради:
— Мана бу отчи олиб берайми ёки машинаними?
— Машинани олиб беринг, от

ЕРДАМИНГИЗНИ АЯМАНГ

Мен Тошпўлатов Абдуҳамид Бўка шаҳрида яшайман. Олти ёшли набирам сўзларни тўғри талаффуз қилолмайди, дудуқланиб гапирди. Унинг келажасидан кўп қайғуриб, газет орқали мурожаат қилдим.
Азиз яхшилар! Набирамнинг тили равон, ўқиши яхши бўлиши учун кимга ва қаерга учрашишим керак? Сизлардан илтимос, шу ҳақда менга тўла маълумот берсангизлар. Бу яхшиликнингиз билан бир мўминни беҳад шод этган бўлардингиз.

Манзил: Бўка шаҳри, Беруний кўчаси, 13 уй

ТЕЗ АЙТИШЛАР

Улоқ солмай қулоқ, ўтлоқда Умрзоқдан узоқдаги ўтлоқда уйноқлаб ўтлаб тузоққа тушди.

Қирдаги қирқта қирқма қовун қоқи қаҳратон қишга қолди.

Оқил Оқсой оқшомида оқизоқ оқизди.

Қоп-қора қопагон, қоплон қопдаги қопқонга қоқилди.

Ф. ОРИПОВ

ҒАЙБУЛЛА АС-САЛОМ

ЭЙ, УМРИ АЗИЗ!..



Жанобингиз Ғайбулла Ас-Салом минг тўққиз юз ўттиз иккинчи йил, яъни кўй йилда собиқ Бухоро амирлиги сарҳадида, хозирги Навоий вилоятининг Хатирчи беклигида туғруқхонада эмас, Сув дарвоза гузарининг Совунгарлик тўпида, уйда энага (бизнингча — мома) қўлида туғилганман. Ота-она бағрида ўсиб улғайдим. Уруғ-қабилачилик шажарасида отам тарафидан — манғитлар сулоласига, она жамоамиз йўригидан эса арабларга мансубман.

Бир тафсилот. Еҳў!.. Таваллуд топганим сана — минг тўққиз юз ўттиз икки ҳам, олтмиш ёшим тўлган минг тўққиз юз тўқсон иккинчи йил ҳам — қилдай қимматчилик даврига тўғри келди. Наҳора, тақдир. Лекин мен тақдир-қисматдан норози эмасман. Зеро, ҳар икки сана ҳам жамиятнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш даври. Буни шундай қиёс қилса бўлади, менимча. Каминадан гоҳо:— Йил фаслларидан қай бирийи ёқтира-сиз?— деб сўрашади.— Баҳор, ёз, куз ёки кишиними? Мен... кишни яхши жўришини айтаман. Донг қотадилар:— Нечук? Е мижозингиз совукми,— дейишади. Сунгра мен мижозим иссиқлиги, гап бошқа ёқда эканлигини тушунира бошлайман. Инчунун: ёз-ку яхши, аммо ёздан кейин киш келадиди! Шундайми? Ҳа, киш совуқ, қаҳратон, шуниси борки, унинг ортидан чарақлаган баҳор билан ёз келади. Демак: киш қўйнида баҳор яширинган бўлади. Бунда ёруғ умид билан яшайди киши. Ҳўш, қай бири афзал?

УМР МАНЗАРЛАРИ.

ЙИЛЛАР ВА ЛАҲЗАЛАР

...Минг тўққиз юз қирқ олтинчи йил, қавс (ноябр) ойи, Бир куни уйимизга беҳосдан эгнига ҳарбий шинел кийган, хушбичим бир киши кириб келди. Бу — шоир, Хатирчи тумани рўзнаомасининг муҳаррири ва адабиёт муаллими Урин Камолӣ экан, билсам. У билан ажралмас ака-ука, устоз-шогирд бўлиб қолдик. Назаримда, Урин акам менинг қиёфамда ўзини, қонли жанг майдонларида йўқотган ёшлигини топган бўлса керак. Ёдимда, у мен болакайга бир суратгир тортиқ қилган эди. Уша йилдан бошлаб менинг ҳаётимда тубдан ўзгариш юз берди. Қаранг-а, устоз шогирдчилик нақадар хосиятли бир нарса экан! Аввалига ватан, мактаб, муҳаббат (оббо!..) ва дохий Сталин ҳақида ибтидоий шеърлар машқ қила бошладим. (Биринчи шеърим ўзимзининг «Пахтакор» рўзнаомасида босилиб чиққанини эслаймаман).

Ҳаммасидан муҳими, ўша қирқ олтинчи йили илк дафъа Абдулла Қодирийнинг «Утган кунлар» рўмонини ўқиб чиқдим. Урин акам бу китобни менга яширин ҳолатда, эски газетга ўраб келтириб берган эди. Ушандан кейин менда адабиётга фавқулодда рағбат ва сўнмас бир муҳаббат томир ота бошлади. Бошқа томондан эса ҳафсалам пир бўлди. Негаки, Жулкунбойдан кейин мен бошқа ўзбек адабларининг кўкларга кўтариб мақталган асарларини ҳам, аксарият, кўлга олгим келмай қолди. Қодирий мен беғуборни ўзига бус-бутун маф-

тун этганди. Гўё мен «мен» эмас эдим...

Эвоҳ, ўша кезлари афсонавор, хушнуд онлар кетидан мусибатли бир воқеа содир бўлди. Кимдир НКВДга хабар қилиб, «коммунист» Урин Камолов мактаб болаларига халқ душмани Абдулла Қодирийнинг «Утган кунлар» асарини зимдан ўқитиб, уларнинг тарбиясини бузмоқда деган маънода чақув уюштирибди. Урин акам салкам ярим аср илгари, ўша муҳиди бир муҳитда ҳам Қодирийнинг ҳеч қандай «халқ душмани» эмаслиги, «Утган кунлар» эса ўзбек миллий рўмончилигининг шоҳ асари эканлигини дадил айта олган!

Орадан роса қирқ уч йил ўтар, минг тўққиз юз саксон тўққизга келиб, ўша ўтган кунларимни, ўз мезийимни, буюк Абдулла Қодирий билан Урин Камолӣларни эсларканман, «Қодирийнома» деган ўзига хос бир дoston қоралаган бўламан...

«ҚОДИРИЙНОМА»ГА ДЕБОЧА

Ўйлаганда унинг тақдирин
Юракаар тош қотар.
Абдулло Қодирий!
Учмас мажрўҳ дилимдан
Ёди.

Эй парвардигор,
Ожиздир идрокки биллик
Уни йиласам.
Бу не кўрғулик!
Ҳаста виждонимиз унсиз фарёди.
Ўзимдан бораман бадар
Чексизлик қадар.

Кўр қисматнинг тангу тор
Кўчаларидан...

Лек долман,
Қазову қадарнинг биллоиман.
Сирин.

Изн берингиз,
Адолу инсоф
Ҳазрат олийлари.

Аслифа,
Сўзлаганди менга уни соф
Ёшлигимнинг Урин
Камолӣлари.

Бир қиссаки, қуволашиб,
Авдон онлар бўзариб отар,
Бир қиссаки, ҳар фаслида
Чаппар урар, чарақлаб сайёралар.

Сўнггида чуволашиб,
Хорғин қўш сарғайиб ботар...

Бу қиссадан
Кизаради қонли мезийинг
Яқин ўтмиш, уфқи.

Минг йиллар бўлмиш бизда
Кул бозори йўқ бўлганга,
Эвоҳ, қуллик яшар ҳамон қонимда,
Наинки қон,

Вужудимда, устихонимда
Дил озори қолди менинг
Онг-шууриим,
Жисму жонимда —
Куллик яшар.

Жаҳолат қутурар, тошар.
Яна юз йиллар ўтар
Утган кунлар ортидан қувиб,
Қанча-қанча қўшлар чиқиб,
Кунлар ботар...

Аммо, аё Ғайбулло,
Ҳамон қоламан доғда —
Уша-ўша мувоҳам муаммо:
Одамлар...

Одамлар...
Ғафлат уйқусида ётарлар
Ҳам бир-бирин аёвсиз,
Пинҳона ва руйроост
Сотарлар...

Сотарлар...
Абдулла
Қодирийдан —
Виктор Хугогача...

Қирқ еттинчи йилнинг айни асад (июл) ойлари. Еттини тугатиб саккизга ўтаман. Абдулла Қодирий мутлоасидан сўнг яна шундай бир зўр ёзуви ва гўзал асар қидириб, ўзбек ада-

биётдан хорижий адабиётларга қика бошлайман.

Кўлимга биринчи илинган китоб фаранг адиби Виктор Хугонинг «Париж маъбудасининг ибодатхонаси» рўмони бўлди. Олти юз саҳифалик бу залворли асарни ўрис тилида мутлоа қилишга тўтиндим. Ен-веримизда ўрис мардум яшамайди. Еппасига — ўзбеклар. Урисчага тишим ўтмайди. Тагин келиб-келиб, дабдурустан Хуго мутлоасига киришибман денг!

Матни қанчалик иҳлос билан қироат қилмайин, уни тушунмаганимдан кейин завқ ололмайсан, рағбат сўна-

бораҳим Машраб ва Лев Толстой ҳамда бўлак юзлаб жаҳон адабиёти саркардаларининг маънавий обидаларини зиёрат қиламан.

Зеро, тил билиш миллат кишиларини бир-бири билан боғласа, турли миллатларнинг ўзаро муомала ҳамда ҳамкорлик воситаси, «тили» таржимадир. Шу маънода таржима санъати чинакам мўъжиза, бу мўъжизадан мўъжиза яратиш санъати, таржимонлар эса мўъжизақорлардир.

Агар мандан:
— Ёзган китобларинг орасида энг яхшиси қайси?— деб сўрасалар, шундай жавоб берган бўлар эдим:

— Ҳар бир асарим ўз даврининг маҳсули. Бинобарин, эҳтимол, уларнинг ҳар бири ўзича яхши ёки ўзича ёмондир. Лекин! Лекин! Мен ўзимнинг энг яхши китобимни ҳали чиқазган эмасман. Ўзимнинг салкам қирқ йиллик (бу бир йилгитнинг ёши деган сўз!), ҳа, қирқ йиллик меҳнатим, ортирган тажрибам, кузатишларим, адашларим, иккиланшларим ва кашфиётларим самараси бўлган минг саҳифалик салмоқдор «Таржимашунослик» номли дарслигини кўзим тириклигида кўришни истаيمان. Мабодо, худо кўрсатмасин, уни кўролмасам, бу дунёдан кўзим очик кетади...

МЕНГА ИШОНМАНГИЗ, АЗИЗЛАР!

Ҳаётда ҳар хил кайфиятлар кечади кишининг қалбидан. Ҳазин туйғулар, оғир кечинмалар, ногаҳон бетоблик таъсирида бир гал ёзганим бор:

Биламан, бугёмдан уёғим яқин,
Биламан, иш келган қисти қафасга,
Умр шилиниб қолган нафасга.

Пичоққа тор келиб қолган қин.
Илтижо қиламан, азиз одамлар: бу гапларимга ишонманг, ишонманг!

Ишонсангиз, мени хароб қиласиз. Аслида, ҳозиргача кечган бутун онгли ҳаётим, заҳматим, изтиробларим, насиб этса, бундан кейинги катта илмий ва ижодий ишларимга бамисоли бир дебоча бўлди, холос. Салмоқдор миллий қомусий нашр, кўп жилдли туркийзабон луғат, таржима дарслиги, кўп тилли мағрибу машриқ девони (антология), бир шеърый мажмуа ва Куръони карим таржималари таҳлилига бағишланган тадқиқот яратиш орзусида ёнаман...

Бунинг учун яшашим керак.



ди. Аммо дастлаб шундай бўлса-да дарвоқе, мазкур рўмоннинг бош қисмлари, қарийб ярмигача ёш ўспирин учун зерикарли!.. Бора-бора сўзни сўзга, жумлани жумлага, маънони маънога, фаҳмини фаросатга улаб, асар воқеаларини идрок этишим саҳифадан саҳифага ортиб борди. Хуллас, икки ой таътил давомида китобни шаррос ўқиб қидим. Махсус дафтар очиб, унга билмаган, нотаниш сўзларни ёзиб бордим. Шундай қилиб, умримда илк бор фаранг адиби Виктор Хуго ўзининг «Париж маъбудасининг ибодатхонаси» билан мен ўзбекка... ўрис тилидан гоят гўзал сабоқ берган эдим.

Ундан кейинги йилларда мағриб ва машриқ адабий ўлкаларига гузарим тушди... Хўжа Аҳмад Ясавий ва Робиндранат Токур, Алишер Навоий ва Вильям Шекспир, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Оноре де Балзак, Бо-



ҒАЙБУЛЛА АС-САЛОМ 60 ЕШДА

Маслаҳатлар

САРИМСОҚ

Қайнатилган ва қовурилгани ташғирини қолдиради. Пиширилгани овозни ва томоқни тозалайди, йўталга ва совуқдан оғрийдиган кўкракка фойда қилади. Унинг кули асалга қўшиб доғга ва кўз қонлашига суртилса йўқотади. Саримсоқ бўтқаси қичима, эшакеми, соч тўкилишини олдини олади. Шунингдек, кўп йўталадиган беморга ҳам саримсоқни судга пишириб, эрталаб ичиш тавсия этилади.

САБЗИ

Ҳазми қийин сабзавот, мураб-

босининг ҳазми эса енгилдир.

Халқ табибчилигида сабзи сийдик ҳайдовчи, қовуқдаги тош ҳамда қумларни эритувчи дори бўлиб, тери куйганда, совуқ урганда ва йирингли яраларда қўл келади. Бунда ўша жойларга сабзининг кирғичдан ўтказилгани ёхуд шарбати яхши малҳамдир. Сабзи шарбати билан яллиғланган оғиз ва тамоқ чайилса тузалади. Чақалоқлар организмнинг яхши ривожланишида сабзи шарбатининг аҳамияти катта.

ТУРП

Овқатдан кейин ейилса, ични юмшатади ва овқатни яхши ҳазм

қилади. Барги ва баргининг суви жигардаги тиқилмаларни очади, сарик касаллигини йўқотади. Уруғи эса қориндаги елни тарқатади, овқатнинг чиқилини осонлаштиради, иштаҳани очади. Халқ табибчилигида турпнинг қайнатиб пиширилгани шомоллашга қарши, пешоб ҳайдовчи, балғам кўчирувчи, тамоқ ва ўпка касалликларига даво сифатида ишлатиб келинади.

Турп билан асал аралашмаси ҳар хил жароҳат ва яраларга, хусусан, шомоллашга ҳамда йўталга яхши фойда қилади.

«Шифобахш гиёҳлар»дан



ЙЎЛИНИ БИЛГАН ПУЛ ТОПАДИ

Бизда ҳозир китоб сотиб кун ўтказиш қийин. Аммо Масков шаҳрида бунинг иложи бор. У ерда китобфурушлар ойига олтиш минг рублга қадар пул ишлаб топмоқдалар. Шундай устаси фаранг китобфурушлар борки, улар шаҳарнинг қайси кўчаси, қайси майдони ёки метро бекатида қандай китобларнинг бозори чаққонлигини яхши билишади. Улар ёйиб қўядиган китоблардан бирортаси икки-уч кун туриб қолса бўлди, дарров олиб ташлашади. Дастлабки шеърый китобларини чиқарган шоирларнинг эса бу масалада бозори касод.

«Л. Г.»

ВАННАНИНГ ХОСИЯТИ

Хонадонимизга ҳазрати бозор кириб келиши билан чет тилларни ўрганишга қизиқиш ғоят орди. Дунё таниш яхши-да. Аммо ёш бўлсангиз яхши, лекин мия курғур «ушламай» қолган бўлса-чи? Асти хафа бўлманг, бундай пайтда сизга ванна ёрдам беради. Зеро билимдон одамларнинг айтишича, ваннада мия зўр ишлар экан. Бунинг яна бир исботи Японияда ҳўл бўлмайдиган инглиз тили дарслиги 100 минг нусхада чоп этилган эди, бир зумда сотилиб кетди.

ҚЎЛ СИЛТАДИ

Русияда «Коммунизм тарафдорлари» ва «Социализм тарафдорлари»га текин қолбаса тарқатилди. Бу «томоша» Масковнинг гавжум кўчаларида ўтказилди. Қолбасани соғиниб қолган эрқагу аёл уртоқлар ариза варақасига имзони чекиб бир ўрам қолбаса — насибаларини олиб кетаверишди. Қўл қўйгану лекин қолбасадан қуруқ қолганлар ҳам кўп бўлди. Бир ўрис момо эса: «Қўл қўйдиришди. Қолбасани эса беришмади. Алдашди», деб қаттиқ хафа бўлди ва коммунизмга ҳам, социализмга ҳам қўл силтади.

ЧОРАСИ ТОПИЛДИ

Масков темирйўлчилари қўлда патта сотувчиларга қарши кураш бошладилар. Энди ҳар бир паттага йўловчининг исми-шарифи ёзиб қўйиладиган бўлди. Кимки, бошқа бировнинг паттаси билан йўлга чиқса жарима тўлашга мажбур. Ҳозирча жариманинг миқдори белгиланганича йўқ. Бундан буён паттафурушларнинг пайтавасига қурт тушадиган бўлди деб ёзади «К. П.» газети.



40 ЕШДА

Самарқанд вилоятиданман. Хотиним вафот этган. 72 га кирган онам, 10 ёшли қизим, 7 ёшли ўғлим билан тураман. Касбим — почтада кассир бўлиб ишлайман. Маълумотим ўрта. Болаларимга меҳрибон она, ўзимга вафодор ёр, оиламизнинг фаришталари бекаси бўла оладиган аёл билан ҳаётимни боғлаб, болаларимизнинг бахтини кўрсак дейман. Ичмайман, чекмайман, зарарли одатлардан холиман. Менга турмушга чиққан аёл бир умр бахтли бўлиб кетишига ишонман. «Оила-143» мактубларингизни кутади.

26 ЕШДА

Жиззах вилоятидан, турмушга чиқмаган, олий маълумотли ўқитувчи, кўп болали оилада ўсган, уй-рузғор ишларининг ҳаммасини эплайдиган ибולי қиз ўзига мос, дид-фаросатли, оилам дейдиган йигит билан мустаҳкам оила қуриш ниятида. «Оила-144»га хат ёзинг.

ЮГУРИБ ЧАРЧАМАЙДИГАН ЁШДА

Ширин-шакар болажонларимизнинг қишки таътили мароқли ўтиши биз ота-оналарга боғлиқ. Болаларга хос хусусиятлардан бири уларнинг серҳаракатчанлигидир. Болалар эса мактаб ва уй шароитида кўпроқ ҳаракатсиз ўтиришга мажбур бўладилар. Шунинг учун таътил даврида болалар кўпроқ очиқ ҳавода ўйнаб-қулганлари фойдалидир.

Лекин таътил даврида болалар ўйинга қизиқиб кетиб овқатланиши ҳам унутиб қўядилар. Ёки қўлига олинган нарсани, қўлларини ювиб ўтирмасдан, дуч келган жойда еб кетаверишади. Ҳаво жуда ифлос бўлиб кетган бизнинг замонда бунинг оқибати ёмондир. Улар юқумли касалликларга чалинишлари мумкин. Шу боисдан болаларни ташқарида 3—4 соат ўйнаган-

ларидан кейин чақириб олиб, уст-бошларини қуриштириб, овқатлантириб кейин яна бироз ўйнаб келишларига рухсат бериш керак.

Болалар овқатига турли хил ошқўқлар қўшиш, агарда бунинг имкони бўлмаса янги қарамдан, қизил сабзилардан майда қилиб тўғраб, салат тайёрлаб бериш лозим. Турли хил мевалардан тайёрланган шарбатлар ҳам болалар учун жуда фойдалидир.

Фарзандларимизнинг қишки таътил кунларида мазмунли дам олиб, маънавий, жисмоний соғломланиши биз ота-оналарнинг зиммасида эканлигини унутмаслигимиз шарт.

Абдуваҳоб АБДУРАҲИМ
ўғли
Жумҳурият саломатлик
марказининг шифокори



Суратчи: С. МАҲҚАМОВ



Чироқчи тумани марказий шифохонаси бош врачиси Абдурашид ака **ЖУРАҚУЛОВ!** Сизни тугилган кунингиз билан чин юракдан самимий табриклаймиз! Халқ соғлиги йўлидаги хизматингизда толманг, деб укаларингиз номидан **РАҲМАТУЛЛА**.

Меҳрибон **Онажонимиз!** Сизни 1 январь тугилган кунингиз ва 1993 йил Янги йил байрами билан чин дилдан қутлаймиз. Бахтимизга доимо соғ бўлинг. Фарзандларингиз: **ЗОКИРЖОН, ЖАСУРБЕК**.



МИНГГА КИРИНГ!

Салкам 80 ни (78 ёш) қораласа-да Дўрмон СелПУОсида хизмат қилаётган нуруний онажонимиз Ойсарабону Ҳа-

мид қизини 1 январда қутлуғ таваллуд кунини билан табриклаймиз. Илоҳо, мингга қиринг, онажон! Нуриевлар оиласи.

ФАРРУҲЖОН!

Янги йил кунини 11 ёшга тўлишинг билан табриклайман. Шўхликларинг, шодон овозинг хонадонимизни ҳеч ҳачон тарк этмасин! Ойижонинг, цаҳанг **ФУРҚАТ**.

Дўстимиз Саййид Нормўмин ўғли! Сизни 18 ёшингиз билан қутлаймиз. Орзуларингиз

йўлдошингиз бўлсин. Мажид, Анвар, Ғайбулла **ЧИРОҚЧИ** тумани, «ОҚЧОВА» ижара хўжалиги

Холбозор ака! Ававало, дунёга келган фарзандингиз, шунингдек, Янги йилингни билан қутлайман. Худодий чақалоқни умри билан берган бўлсин. Эҳтиром ила **Жаҳонгир**.

Ҳурматли домладримиз! Сизларни журналистика факультетининг 25 йиллик тўйи ва Янги йилингни билан табриклаймиз. Доимо соғ ва саломат юринлар. Ҳурмат билан бир гуруҳ собиқ талабаларингиз.

ФАРҲОД АРЗИЕВ

ДУНЁЛАР ТИҚЛАНАР, КЎНГИЛ ТИҚЛАНМАС...

ЧИЗГИ

Сочларинг — севгининг сояси,
Тим қаро кўзларинг — муҳаббат.
Вужудинг соҳирдир, сеҳрдир,
Кўкрагинг — сеҳрлар қояси.

Кипригинг — ҳижроннинг туглари,
Лабларинг — жонфизо аланга.
Еногинг — қизгалдоқ,
Тонгдайин тоза,
Қалбинг эса менга бошпана...

УМР

Кўлларида лакак тутганча,
«Зув»лаб кетаётган — Болалик...

Елкасида куз ҳасратлари,
Йиғлаб кетаётган — Турналар...
Кўйнида яширганча балиқларини,
Маъюс кетаётган — Дарё...

Девонага ўхшаб шамолни,
Кувлаб кетаётган — МЕН...

Бир сўз бор баҳорни қайтарадиган...
Усмон Азимов

Жоним,
жоним бунча тош экан;
Наҳот сенсиз яшаб ўладим.
Тунлар — севги тўккан ёш экан,
Мен тунлар армонин билмадим.

Сўзлар йўлга қараб ўлтирар,
Ўлмаганим умид жунуни?...
Маъшар шомолларин келтирар,
Моҳсиз кечаларнинг сукуни...

Йиғлаётган кузми, кўзларми,
Оқаятган умрми, бетин?...
Қаро тунда титиб кулларни,
Тентиб юрган девона сен ким?!..

О, ахир,
Чақирмади ортимдан севги,
Изламадим
Изламадим бериш йўлларни.
Мен қарғалган юракка севдим,
Ҳижрондашганда сағир гулларни...

Жоним,
Юрак кўнгили горида
Қолиб кетган сўзни айтолмас:
Баҳор қайтар сўзлар зорига,
Ошиқларни сўзлар қайтармас!

ТУН САБОҚЛАРИ

СОАТ 10

Тун...
Бу ҳали қуёш билан
абадий хайрлашув эмас...

СОАТ 11

Кундузнинг якуни ТУН...
(қоп-қора)
Севгининг якуни КҲН...
(қоп-қора)
Тақдирнинг такрори...

СОАТ 12

...Кўнгилингдаги аёлниг оҳи...

СОАТ 1

Тун...
шафқат улашмас
оч арвоҳларга...

СОАТ 2

Тун, қаердан топдинг бу қабойингни?...
Наҳот ёпинганинг
севгининг тим қаро кўзлари...

(ТЕН-ТАК)

Наҳот, мен сенинг бағрингда эмас,
Тентираб юрибман,
Севгининг кўзлари ичра адашиб?!..

СОАТ 3

.....

СОАТ...

Фаришта — Тонг...

Ошиқларнинг қисмати — ҲЛИМ...



ҚИЗ СУВРАТИ

Ситорали оқшомни
Бошига ўраб олган моҳ—

Илоҳнинг назари тўқилган хилқат,
(Юрак юрар адашиб)

Биллур баҳорлардан адашган,
Илоҳий ифोर —

(Тобутлар очилар,
Ўликлар тириллар...
Тобутлар ёпилар,
Ўлади тириклар...)

* * *

Юрак...
Айлашиб кетган қанотга...
Бир етим мусиқа оқар маст.
Севги — нафрат-сўзни қотган,
Нафратнинг касаси оқармас...

Чақирмас ортингдан кимингдир,
чақирса ҳам эшитилмас
ютиб кетар айриқнинг сўнсиз титроғи...
кўнгилингни бузади кимингдир:
«Бахтлимсиз?» деган сўроғи...
Ялангоёқ сўроқлар!

Аёвсиз,
тепкилаб бузишар кўнгилингни.
О-оҳ... Оёқларига кириб қонатса гуллар!..

Ва лекин,
Гуллар тиканмас...
...Кўнгилингни хокини
Кўкларлар кўзига кўмдингни?..
Энди,

Дунёлар тикланар,
Кўнгили тикланмас...
...Юрагинг-қанот...
(Фалак — тупроқ.)
Хуржунингда
бир тишлам Вақт...
Ҳеч вақо қолмади сенда егулик.
Ишоншар,
Қайгуларнинг сендан кўнгили тўқ,
Фақат... Ҳув, пастда...
Ортингдан ҳансираб,
гилларини осилтирганча
Юзурар Бахт...
ЛЕКИН СЕНИНГ ОЁҚЛАРИНГ ЙЎҚ!



УТАЁТГАН КУНЛАР

*...Кўнгилни кечирмас кечалар...
Кунлар эса барибир одамни тушун-
майди. Кунларга дардини айтган одам
ўзини ўзи алдайди.

Елгон эса ҳаёт бўлолмайди...
Яшаб қолиш керак!

...Толчилаётган нигоҳ...
...Хўрланаётган кўнги...
...Йиғлаётган юрак...
...Титраётган вужуд...
Айланаётган дунё...

Манави турнақатор бўлиб тизилиб
келаётган эрмаклар карвони эмас,
ахир шу ўтаётган, кетаётган кунлар,
холос.

Ҳар кунги ҳаёт...

Ҳар кунги хона...

Ҳар кунги қиз...

Бу қизни маҳкумлик алоби қий-
найди. Бу қиз шунчалар бокира...
Шунчалар тоза... Фақат уни маҳкум-
лик қийнайди... ҳамон у ёлғиз яшай-
ди... Кўзларида кимгадир аталган ҳа-
ёт зиёси... Юрагида кимдир соғин-
ган соғинч...

Мен эса бу қизга фақат ой ҳақида
«апираман... Ўқиб берадиган шеърим
ҳар кунни ўша-ўша:

«Ой юзинг доғларига қараб йиғла-
дим...»

Туронзамин дунёнинг маданият ўчоқларидан бири. Ушбу ҳа-
қиқат аллақачон ўз исботини топган. Бу заминда не бир буюк зот-
лар ўтмаган. Туронзаминнинг «ақл маъшали» ҳеч қачон сўнмаган
ва сўнмаган! Умидларга тўла Янги йил арафасида эътиборингизга
ҳам ўсмирлик даври билан тўла хайрлашиб улгурмаган ёш шоир
Фарҳод Арзиевнинг шеърларини ҳавола этар эканмиз, ушбу калма-
мага иймон келтирдик.

Ниятимиз — 1993 йил Ваганимиз учун истеъдодларга мўл йил
бўлсин! Аждодларимиз, улғу боболаримиз руҳи бизга мададкор
бўлсин!

Иқтисодий мулоқотлар, олди-сотдилар билан шугулланувчилар ҳақида ўйлаганимизда ёки улар тўғрисида гап борганда «Эҳ, ҳаммаси бир...» дея қўл силтаб кетамиз. Гапимизнинг оҳанги уларни қоралайди. Ишбилармонлари, бойлари, зўлилари кўп элининг келажиги яхши бўлади, дейишади. Қолаверса ҳаёт давом этяпти. Нолиб юраверамизми? Нима қилиш керак унда? Таклифингиз борми? Хўш, ҳалол, ўз эли-

нинг равнақи ташвишида юрадиган замонавий Отабеклар қандай инсонлар бўлиши керак? Бу ҳақда буғундан бошлаб сиз муштарийлар билан фикрлашиш ниятидамиз. Келинг, аввало уларнинг айни кунда не ташвиши ва не юмушлари билан обора эканлиги ҳақида маълум тасаввурга эга бўлайлик. Уйлаймизки кўйидаги сўхбат ушбу вазифани қисман бўлса-да ўтайди.

«СИЁСАТГА ҚИЗИҚАМАН, ЛЕКИН АРАЛАШМАЙМАН»

Бахтиёр Эгамбердиев — 1979 йили Тошкент қишлоқ хўжалик институти иқтисод-ҳисоб факултетининг кундузги бўлимини тугатган. «Ўзбекбирлашув»да бош иқтисодчи вазифасида ишлаган. Айни пайтда Тошкентдаги «СЭВИЖ» тижорат жамиятининг директори.

— Бахтиёр ака, сўхбатимизни бошлашдан аввал бизнесмен сўзига изоҳ бериб ўтсангиз.

— Бизнесмен — инглизча сўз бирикмаси, яъни бизнес — иш, мен[мэн] — одам, киши, аниқроғи, иш билувчи, иш бажарувчи одам. Бизда уни қисқача қилиб ишбилармон деб олинди. Унинг шахсига келсак, ишбилармон халқи, давлати, фирмаси ва албатта, шахсий манфаатларидан келиб чиқиб иш юритувчи одамдир.

— Фирмангиз асосан қандай ишлар билан шугуллана-

— 1991 йилдан бошлаб Ўзбекистон аҳолисига енгил саноат, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бера бошладик. Шартнома асосида Россия, Беларус, Молдова давлатларидан халқ истеъмол моллари, озиқ-овқатлар олиб келамиз. Яқинда Япония ҳамда Олмония давлатларининг машҳур фирмалари билан ҳам ўзаро шартномалар туздик. Радио, теле, видео аппаратуралар келтириш ниятидамиз.

— Демак ишбилармон ҳам (коммерсант) савдогардан фарқ қилмас экан-да!

— Коммерсантлар фақат олди-соти билан шугулланишади, одатда. Ишбилармон улардан ўлароқ иш ҳам юритади. Фирмамизда ўсимлик ёғини олишнинг янги технологияси ишлаб чиқилляпти. Бу ишни йўлга қўйиб олсак катта ютуғимиз бўларди. Шунингдек, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш борасида машина тизимини ҳамда эҳтиёт қисмлар билан тазминлаш шохобчасини очганмиз.

— Ишбилармонлик соҳасига кириб келганингизда сизга нималар тўсқинлик қилган?

— Бюрократик тўсиқлар жуда кўп эди. Улар ҳали ҳануз мавжуд, айниқса пул тўловлари, солиқлар масаласида. Бунинг оқибатида кўпгина тузган шартномаларимиз бажарилмай қилиб кетди, қолиб кетяпти.

— Нега ишбилармонлиқни танладингиз? Устозингиз борми?

— Иқтисодий алоқаларга қизиқганим учун ҳам илм-ғоҳнинг иқтисод-ҳисоб факултетига ўқишга кирганман. Айнан тижорат, ишбилармонликка ихтисослашувим эса Юрий Иванович Жуковнинг маслаҳати билан бўлган. Устозим ҳам шу инсон.

— Ишбилармон бўлиш учун сизга нималар етишмаслигини ҳис қилгансиз?



— Иқтисодни социалистик қонун-қоидалар бўйича ўрганганим учун ўзимда ҳар томонлама етишмовчиликлар сездим. Аввало чет тилини билмаслик, Оврупонинг бизнес усулларидан беҳабарлик...

— Бўлажак ёш ишбилармонларга маслаҳатларингиз!

— Яхши ишбилармон, биринчи галда ўз фирмаси манфаатини ўйлаган ҳолда, иқтисодий жиҳатдан фойдали ва қулайлигини ҳисоб-китоб қилиб ва энг асосийси халқига зарур бўлган маҳсулотни қабул қилиши зарур. Бунинг учун у, албатта, чет эл фирмалари билан алоқа қилиш маданиятини, уларнинг тили, ишлаш тартибини кунт билан ўрганмоғи лозим бўлади.

— Сиёсатга қизиқасизми?

— Қизиқаман, лекин аралашмайман.

— «Пул, бойлик инсонни бузади» деган гапга муносабатингиз!

— Бўлмаган гап. Одамнинг бузилиш-бузилмаслиги пулга эмас, олган тарбиясига, қалбига ўрнашган иймонга, ёру дўстларининг қандайлигига боғлиқ.

— Инсоф деганда нимани тушунасиз!

— Ҳалоллик, оқибат ва ўзгаларга нисбатан меҳр-шафқат...

— Ногирон, етим-есирларга ҳам ёрдам бераркан-сизлар деб эшитдик.

— Хайрия ҳақида гап бораркан, аввало, «Наврўз» хайрия жамғармаси тасарруфига ўтганимизни айтиб ўтишим керак. Бу борада жамғарма раиси Дадахон Ёқубов билан фикримиз бир. Юнусободдаги 442-кар-соқов болалар боғчасини оталиққа олган-

миз. Шаҳардаги 1-болалар сил касалликлари санаторий-сига ҳам маблағ ўтказдик. Ҳозир шундай даргоҳлар ёрдамга муҳтож. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ДАНи ўтказадиган «Яшил чироқ» кўрсатувига ҳам ҳомийлик қилляпмиз.

— Иш қилингизни қандай тақсимлайсиз!

— Бир кун олдин. Лекин, бу ишлар ҳафталик, ойлик, йиллик тузиб қўйилган режаларим асосида бўлади, албатта.

— Хўш, уларнинг ижроси қандай бўляпти!

— Нолимайман, ҳозирча яхши.

— Ота-онангиз ҳақида ҳам тўхталсангиз!

— Отамиз Урозиддин ака оламдан ўтганлар. Ҳаётлик чоғларида ТошДДда домлалик қилардилар. Онамиз Беҳруза Қосимова ҳозир ҳам ТошДДнинг журналистика факултетида ўқитувчилик қилардилар.

— Экинчилар қиласиздан экансиз. Ака-укаларингиз ҳам олий маълумотлидир!


— Оилада тўрт фарзандимиз. Тўнғичи ўзим. Камолиддин Ўзбекистон халқ таълими вазирлигида бўлим мудирини, Баходир — кичик укамиз, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ДАН тарғибот ва ташвиқот бўлимининг катта инспектори. Синглимиз Ўзбекистон телекомпаниясида ишлайди.

— Кичиналардан нечта!

— Уч қиз, бир ўғил. Уғилчамизнинг туғилганига икки ой бўлди. Исмини Темурбек қўйдик.

— Худо умри билан берган бўлсин. Ишларингизга ба-

рака.



«СЕВИЖ» ҲОМИЙЛИГИДА 242-КАР-СОҚОВЛАРИНИНГ МАХСУС БОЛАЛАР БОҒЧАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ТАДБИРДАН ЛАВҲА

Муаллиф: Ҳ. САЙДОВ

Бош муҳаррир:
Абдуҳошим
ИРИСБОЙ

ТАҲРИР
ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ
Жуманазар
БЕКНАЗАР
Дадахон
ЁҚУБОВ
Муҳаббат
ИБОДОВА
Тўлқин ҲАЙИТ
Юсуф ЗИЁД
(Бош муҳаррир
ўринбосари)
Ботир ЭРНАЗАР

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:

Бахтиёр
ЭГАМБЕРДИЕВ
Қувондиқ
БЕРДИЁРОВ
Меили
ИУЛДОШЕВ
Рўзимат
САФОЕВ
Абсалом
УСАНОВ
Урол
ЎЗБЕК
Асқар
АЛЛАБЕРДИЕВ
Абдумуталлиб
РИЗОҚУЛОВ

Таҳририят
келган хатларга
ёзма жавоб
қайтармайди.
Шунингдек,
фуқаролар
билан
ташкilotлар
ўртасида
воситачилик
ҳам қилмайди.

Газетамиздан
олинган
маълумотлар
«Оила ва
жамият»дан
деб кўрсатилиши
шарт.

Газетамиз
ҳомийлари —

Тошкентдаги
СЭВИЖ
тижорат жамияти,
Ғаллаорол
туманидаги
«Ғаллаорол»,
Муборак
туманидаги
Хитой давлат
хўжалиги,
Сирдарё
«Оқ олтин»
дон маҳсулотлари
корхонаси
МАНЗИЛИМИЗ:

700029,
Тошкент — 29
Намойишлар
кўчаси,
1-бино.
Телефон:
39—43—95
Обуна
индиси №265 4
Буюртма 42

Ўзбекистон
Республикаси
«ШАРҚ»
нашриёт —
маъбаачилик
концерни
Тошкент шаҳри

ХАТТОМАЛАР # ТЕМРОНДАН ЎЗГАРАГИ ШАХШУНОЛИК ТУГАРАГИ

«СИГНОЛНИ БОСИНГ...»

Ширакайф Соли ого гирди-гумдек гавдасини орқа ўриндиққа ташлаб, «купирикбошига жүро» дея сабзи-пиёз солинган тўр халтани ёнбошига олди.

— Лўли маҳаллага десангиз-чи, — кесатди такси ҳайдовчиси.

Соли ого тасқара шофёр билан «ади-бади» айтишиб ўтирмай, «Шундоқ ико» деб гапни қисқа қилди.

Шаҳидтепа билан Кўпирикбошининг ораси ўша пайтда уч сўмлик масофа эди. Машина қишлоққа яқинлашган сайин Соли ого безовталаниб, ўрнидан туриб кетай-туриб кетай дерди. Шофёр ҳайрон.

— Ико якта сигнал занид! — деб қолди бир маҳал Соли ого.

Шофёр гапга тушунмай

анграйиб қаради.

— Босинг, сигнални босинг! — деди Соли ого. — Устига ўн сўм!

Шофёр тинимсиз «вапап-вапаплатиб» бораверди. Соли оғонинг оғзи кулоғида.

— Барака топинг! Бо яна битто! Устига ўн сўм!

Шу тахлит улар гузарга кириб келишди.

— Шопир ико, қишлоғимизга дўст бор, душман бор кўриб кўйсин Соливоё «Волга»га келганини, — деди Соли ого таксидан тушаётиб гердаёганича 13 сўм узатар экан. — Мошинни бурғоч, бизга хайр деган бўлиб яна сигнал боссинлар...

Турсунбой АДАШБОЙ

У туздонни тушириб юборди.

— Мана энди урушиб қоламиз, — деди хотини.

— Бемаъни гапларнинг қўйсангчи, — деди эри тўкилган тузни идишга қайта соли туриб, — Нимагаям уришардик?

— Иrimi шунақа, — тушунтирган бўлди хотини. — Ҳар хил ирим-сиримларга ишонинг — гирт ахлоқлик.

— Нима сиз ҳали менга «ахлоқсан» демоқчимисиз?

— Йўқ, Фақат мен ҳеч тушуна олмапман, нима учун урушишимиз керак?

— Ахир бу халқнинг ирими. Ҳаётда юз марта иботланган.

— Ахлоқлар, — яна эътироз билдирди у. — Мана шу иримлар ҳам, ҳар хил «борабашкалар» ҳам, Қашпировскийга ишонинг ҳам — бари ахлоқнинг иши.

ИРИМ

— Нима?! Сиз Қашпировскийга ишонмайсизми?

— Топган одамнинг қарраю, Қашпировский эмиш! Такасаланг у! Утган ойда сеансларига деб беш юз сўмнинг «қулоғини ушлаб» юбординг. Хўш, оқибатда нима фойда топдинг?

— Э-ҳа, ўша арзимасдан без юз сўмга ачинаялсизми? — деди хотини жаҳдан қизариб. — Мендан ҳам пул азизми сизга?

— Гап пулда эмас...

Лекин энди хотини уни эшитмас, эшитганини истамас эди. У шахд билан ўрнидан турди-да, болаларини олиб онасиникига кетиб қолди. Уйда ёлғиз қолган, у жанжалнинг нимадан чиққанини ҳаққида узоқ ўйлади...

— Ха-я, жанжал нимадан чиқди ўзи?..

Давронбек ИБРОҲИМ таржимаси



МАҚОЛЛАР

ТАЛАБАЛАР ҲАЁТИДА

Ошинг ҳалол бўлса, Кўшни хонада ич.

Олтин олма — заҳёт ол.


Толиб йигитга — етти пара оз.

Балиқ сув билан тирик, Талаба пул билан.

Сабр таги — қизил диплом.

Аччиқланса домла енгар, Ҳазиллашса талаба.

Муҳаммад БАҲОДИР
ТошДД толиби



Муаллиф: БИДСТРУП (ДАНИЯ)

Уч нафар маст темир йўл ипалларидан эмаклаб борарди.

Биттаси:

— Ж-жин урсин, жуда баланд зиналар экан-а?

Иккинчиси:

— Суюнчиқлариям жуда наст.

Учинчиси:

— Ҳечқиси йўқ, йигитлар, ана қаранглар, лифт келаяпти.

НИКУЛИН
ЛАТИФАЛАРИ

ТТТ ДЕВОРИДАГИ ЭЪЛОНЛАР

Бозор иқтисодийети муносабати билан ҳаммомимиздан фойдаланишнинг янги шартлари ишлаб чиқилди. Бундан буён чўмилиувчилар ўзлари билан сочиқни совундан ташқари тоғора, икки челақда иссиқ ва совуқ сув ҳам олиб келишлари керак.

Маъмурият

Яқинда Рамиз Поёновнинг «Одамнинг маймунга ва ундан тунгизга айланишида ароқнинг роли» номли китоби босмадан чиқди. Китоб кенг ичувчилар оямасига мўлжалланган.

Д. ИБРОҲИМОВ

ЎҒРИЛАР!

Кеча тунда, боқиб қўйган қора кўчқор ўрнига адашиб ёнида пойлаб ётган «Қоллон» лақабли итими етаклаб кетибсизлар. Итими қайтариб берсаларинг кўчқорни сизларга совга қиламан.

ТАНИШ ҚИЗЛАР ДИҚҚАТИГА!

Бугундан бошлаб уйимга бошқа телефон қилмас-

ликларингизни сўрайман. Чунки, уйландим. Хотиним рашқироқ.

Собик бўйдоқ АШИМБОЙ

УРТОҚЛАР!

Қоғоз нархи кескин кўтарилиб кетганлигини ҳисобга олиб, район марказидаги «Альфа» ҳожатхонасига кириш баҳоси 2 баравар оширилди.

Маъмурият.

Маъмуржон ЮСУПОВ

Армиядан қайтиб келгунимча бирорта одам пўчтачининг қизига совчи юборадиган бўлса, жигини эзиб кўяман, деб Мавлончик.

Эртдан бошлаб маҳалладаги тўйларда ароқ қўйиш йўқ қилинди. Ташқарида ичиб келганлар ҳам жим ўтиришга мажбурдир.

А. Б. БЕК

Ўрисчадан таржима

QAZQAZA
ХИРИНГ-ХИРИНГ
КИКИР-КИКИР